

---

## БАҒДОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ РАСМИЙ БИЛДИРИШИ

Ижтимоий тармоқларда тарқалиб, Бағдод туманиданнинг Қатағон қишлоғида жойлашган масжидда “спиртли ичимликлар истеъмол қилинаётгани ва бу билан бошқаларнинг диний эътиқоди камситилаётгани” ҳақида иддао қилинган “Масжид майхона эмас!” сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Аввало айтиб ўтиш керакки, Қатағон қишлоғи “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини таркибида бўлиб, бунда Валижон Сиддиқов МФЙ раиси сифатида ишлаб келмоқда. Мақолада таъкидланган ҳолатларни ўрганиш давомида маҳалла раисидан олинган маълумотлар кўп нарсага ойдинлик киритди.



Маълум бўлишича, узоқ йиллар аввал бу ерда намоз ўқилган, турли диний маросимлар ўтказиб келинган. Лекин иморатларнинг техник ҳолати абгор экани ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермаслиги инobatга олиниб, норасмий намозхона фаолияти тўхтатилган. Орадан кўп ўтмай, туман ҳокимининг қарори билан, фойдаланувсиз турган бинолар маҳаллий тадбиркорлар ихтиёрига берилди. Ҳозирда бу ерда чевархона, темир дарвозалар яшаш устaxonаси, болалар ва ўсмирлар учун спорт тўгарағи фаолияти йўлга қўйилган. Чевархонада 12 нафар, устaxonада 5 нафар фуқаро иш билан банд. 30 дан ортиқ ўғил-қизлар эса спорт тўгарағи машғулотларига қатнайди.







Ушбу объект давлат муҳофазасига олинган бино-иншоотлар ёки фаолиятига расман рухсат берилган жоме масжидлари (улар туманда 11 та) қаторида турмайди.

Маҳалла раисининг сўзларига кўра, қишлоқда кекса-нуронийлар учун дам олиш маскан мавжуд бўлмагани важдан, улар ҳафтада бир кун бу ерда алоҳида ажратилган хонада тўпланадилар. Бироқ спиртли ичимлик истеъмоли, амалдаги қонунлар билан тақиқланган турли ўйинлар ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас.



Туман марказий масжиди имом-ноибни Одилбек Солиев, “Мулла Мўмин аълам” жоме масжиди имом-ноибни Ҳабибулло ҳожи Далиев ҳамда маҳалланинг бир гуруҳ фаоллари иштирокида олиб борилган ўрганишимиз давомида, масъулларга мазкур ҳудудни саронжом-саришта сақлаш, ободонлаштириш ишларини мунтазам олиб бориш, бино-иншоотлар сақловини назоратга олиш юзасидан тавсиялар берилди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2020-06-19 10:27:47